

Одам саҳарда ҳам ухлайдими?



08:00 / 02.01.2020 5096

Довуд ибн Иброҳим ҳикоя қилади: «Бир шер кечаси ҳажга кетаётган одамларнинг йўлини тўсиб қўйди. Одамлар бир-бирдан ажралиб, тоғ томонга тарқалиб кетишди. Саҳар пайти шер кетди. Шунда одамлар ҳар томондан тушиб кела бошлашди. Пастга тушгач, ухлашга киришдилар. Товус раҳимаҳуллоҳ эса туриб, намоз ўқий бошлади. Бир киши унга: «Ухламайсизми? Туни билан ҳолдан тойгандирсиз?» деган эди, Товус раҳимаҳуллоҳ: «Одам саҳарда ҳам ухлайдими?» деб жавоб бердилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан